



* "Чимилдиқ"да: Беҳзод Муҳаммадкаримовнинг Гўзали

* Кўпларни безовта қилган "хавfli" касаллик

* Бухарестлик ўқувчилар намойишига сабаб бўлган имтиҳон

* Чақалогим йиғламасин десангиз, уни қўшиққа ўргатинг



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 январь Чоршанба. № 2 (14284)

"ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТИШИГА ИШОНАМАН"

Шу кунларда АҚШ ва Канаданинг Бухоро яхудийлари конгресси президенти, рус ва инглиз тилларида нашр этиладиган "Бухоро яхудийлари дунёси" газетасининг бош муҳаррири Борис КАНДОВ мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. ЎЗА мухбири у билан суҳбатлашди.

— Аввало, Ўзбекистон халқини АҚШ ва Канадада истиқомат қилаётган Бухоро яхудийлари номидан янги йил байрами, янги мингйиллик билан табрикламоқчиман.

Тақдир тақозоси билан бухоролик яхудийларнинг кўпчилиги бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида яшамоқда. Бироқ биз, яхудийлар аجدодларимиз учун ватан бўлган Ўзбекистон заминидан мустақилликдан сўнг қарор топа бошлаган демократик жамият курилишининг давом этишидан жуда манфаатдоримиз.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, сайловлар демократиялаштириш ва фуқаролик жамияти курилиши жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Фуқароларнинг бундай тадбирларда ўз сиёсий қарашларини очиқ ифода этиши, ўз вакилларини сайлаши уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминловчи асосий кўрсаткичлардандир. Ўзбекистон халқи ана шундай муҳим сиёсий тадбир - Президент сайлови арафасида турибди. Бу борада юртингизда кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар билан радио, телевидение, газета ва журналлар орқали яхши танишиб бораёпман. Сайловлар тадбирларида аҳолининг барча қатлами фаол иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Мен Ўзбекистон парламенти ва президентлигига сайлов тўғрисидаги қонун ва кўплаб ҳужжатлар билан танишиб чиқдим. Улар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган демократик тамойиллар ва сайловчиларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро меъёрларига тўла мос келади.

Ўзбекистондаги бўлажак Президент сайловида жуда кўп хорижий давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари кузатувчи мақомида иштирок этади. Жумладан, ўз таркибига АҚШ ва Канадада яшаётган бухоролик яхудийларнинг барча диний марказлари, турли хайрия жамғармалари, музикаий ва театр жамоаларини бирлаштирган Конгрессимиз вакиллари ҳам бу муҳим тадбирда қатнашиш имкониятига эга бўлмоқда. Биз, халқаро кузатувчиларнинг вазифаси

мазкур сайлов барча халқаро меъёрлар доирасида, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан имзолаган шартнома ва битимларига амал қилинган ҳолда ўтишини назорат қилишдан иборат. Сайлов жараёнида кўплаб халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиш учун келаётганининг ўзи ўтган қисқа муддатда мамлакатингизда демократияни мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилганлигидан, керакли институтлар шаклланишидан далолат беради. Биз Ўзбекистон парламентида 1999 йилнинг 5 декабрида бўлиб ўтган сайловда ҳам иштирок этиб, бунга тўла амин бўлган эдик.

Бугунги кунда бирорта йирик халқаро тадбир Ўзбекистон вакилларининг иштирокисиз ўтаётгани йўқ, деса бўлади. Сўнги уч-тўрт ой ичида мен Ўзбекистонга иккинчи марта келяпман. Мамлакат қай даражада янгилини бораётгани яққол кўриниб турибди. Биргина шаҳарсозлик борасида ва ижтимоий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ўзи кўп нарсадан дарак беради.

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турганимизда мамлакатингизда яхудийларнинг синагога ва қабристонлари кўз қорачиқдай сақланаётганига амин бўлдим. Бу ўзбек қардошларимизнинг ҳар бир миллат эътиқодига ҳурмат билан қарашига яна бир мисолдир. Бу ҳолат эса хорижда яшаётган собиқ ўзбекистонликларга юртингиз билан ўзаро яқинлиқни янада мустаҳкамлашдек шарафли мажбуриятни юклаши шубҳасиз.

Ўзбекистонга бу галги сафарим олди-дан АҚШда чоп этиладиган бир неча газетадан Ўзбекистонда бўлажак Президент сайлов ҳақида мақола ёзиб бериш топширигини олдим. Шунга таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўтган сайловда сайловчиларнинг 90-95 фоизи қатнашди, деган маълумотга фарбларнинг унчалик ишонгиси келмайди. Чунки Фарб мамлакатларида сайловда бунча одамнинг иштирок этиши тасаввур қилиб бўлмайди-ган ҳолдир. У ерда аҳолининг баъзи қатламлари бундай муҳим тадбирга катта қизиқиш билдирмайди. Бироқ аминманки, Ўзбекистонда ҳар бир сайлов халқ учун шунчаки сиёсий тадбир эмас, балки байрам тусини ҳам олади. Ишонманки, шу йил 9 январда бўлажак сайловда ҳам бутун халқ иштирок этади ва ўзи ишонган, ҳақиқатан ҳам кучли ва муносиб номзодга овоз беради. Сайлов эса демократия тамойиллари асосида ўтади.

ЎЗА мухбири Анвар КАРИМОВ суҳбатлашди



ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

Мамлакатда демократик жамият кури-лаётгани боис, биз ўзимиз хоҳлаган номзодга овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдим. Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга сайловлар тенглик, ошқоралик, қонунийлик ва демократик тамойиллар асосида ўтгани бизни қувонтирди.

Президент сайлови ҳам ана шундай адолатли ўтишига ишонаман. И.Каримов

ислохотлар ва уларнинг натижалари шак-шубҳасиз Президент Ислам Каримов номи билан боғлиқ эканлигини бугун барча эътироф этмоқда. Энг муҳими Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлиқнинг сақланиб туриши Президент олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг натижа-си бўлиб, Ислам Каримовнинг шахсий

ЁШЛАР КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАДИ

номзодини Китоб туманилик деҳқонлар бир овоздан қўллаб-қувватлайди.

Эргаш ИБРОХИМОВ,
Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги ишчиси

Мен Тошкент Иқтисодиёт университе-тининг 3-курсда ўқийман. Мамлақати-мизда ўтказилаётган сайловлар барча қонун доираларида ўтказилаётгани қувонарли бўлди. Ўзимиз хоҳлаган номзодга овоз бераётганимиздан фахрланамиз.

Президент сайлови асрмиз охирида рўй бераётгани халқаро аҳамиятга эга воқеадир. Ўйлайманки, бу сайлов ҳам тенг ҳуқуқли асосда ўтади. Биз талаба-лар яқдлик билан сайловда қатнашамиз.

Зухриддин АСКАРОВ,
талаба

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши, ўзбек давлатчилиги асосларининг яратилиши, тарихий ҳақиқат ва миллий қадриятларимизнинг тикланиши, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган

фидокорлиги ва жасурлиги ифодасидир. Буни нафақат биз, ўзбекистонликлар, балки хорижлик меҳмонлар ҳам эътироф этмоқда.

Шу азиз Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаро сифатида 9 январь куни муносиб номзод учун овоз бераман.

Юлдуз ЙЎЛДОШЕВА,
ҳуқуқшунос

Мен юртимизни дадил ривожланти-риш йўлида жонқуярлик қилаётган Ислам Каримовга овоз бераман. Чунки энди-гина оёққа туриб, ривожланган мамлакат-лар қаторига қўшилаётган бугунги Ўзбе-кистонимизнинг кейинги ҳаётини Пре-зидентимиз тақдирини боғлайман.

Халқ кўнглини топишга, уни фаровон яшаши, орзуларининг ушалиши бебаҳо, энг катта бойлигимиз — тинчлигимизни сақлаб туришга ва келажак авлодни соғлом ўстириш мақсадини қўлаб сиёсат юритаётган Юртбошимизга ишонаман.

Тургун ЭРГАШЕВ,
талаба

ТАРИХИЙ ЖАРАЁН АРАФАСИДА

Биз мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётидаги муҳим жараён — Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловлар арафасида турибмиз. Мен сайловларда илк бора иштирок этяпман. Бизнинг сайлов округимиздан етти нафар киши ўз номзодларини Олий Мажлис депутатлигига қўйган эди. Эски тузум даврида шундай бўлганмиди? Энг муносиб халқ вакили учун овоз бердик. Энди эса Республика Президенти сайлови яқинлашмоқда.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан буён саккиз йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу орада юртимизда

мисли қўрилмаган ўзгаришларга, ютуқларга эришилди. Фақатгина таълим соҳасини оладиган бўлсак, иқтидорли ёшларимизнинг чет элда билим олишларини қўллаб-қувватловчи “Умид”, Улуғбек номидаги жамғармалар ташкил этилди, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури қабул қилинди. Илгари ўзбек фарзандининг чет элда ўқиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз. Шунинг учун ҳам 9 январь куни юртимиз тараққиётининг асосчиси, раҳнамози бўлган инсон учун овоз бераман.

Ўғилой ЮСУПОВА,
ТошДУ талабаси

ОТАДЕК МЎЪТАБАР

Мен 2000 йил 9 январда ёшим тўлиб, сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлман. Балоғат ёшига тўлишим мамлакатимиз ҳаётидаги жуда катта воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунига тўғри келганлигидан жуда хурсандман.

Танлаган номзодим аниқ. Мен отамдек улуғ инсон Ислон Каримов учун овоз бераман. Чунки, мустақиллигимизнинг пойдеворида биринчи тошни қўйган, улуғ аждодларимиз муборак номларини қайта тиклаган, мамлакатимизни ўта қисқа муддат ичида иқтисодий жиҳатдан юксалтирган инсон Ислон Каримов. Агар шу номзод учун овоз берсак — адашмаган бўламиз.

Менимча, барча ёшлар

“Ўзбекистоннинг барча ёшлари менинг фарзандларим” деган И.А.Каримовга овоз беради.

Муножотхон
АХМЕДОВА



БИВ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ

Аёлга. Яратган ай-ол, деган у яна битта буюкликни қўшиб берган: оламни титратиш. У йиғласа ҳам, мулоимгина жилмайса ҳам бир нимадир юз беради. Минглаб қафасларга беркинган қалбга титроқ киради. Вужудни ёндиради, қуйдиради. Ай - ол, де й д и дард чек - кан. Аёл

эса бор юкни елкасига илиб мунигина, мушфиқина бўлиб яшайверади.

Дилфуза Камол ана ўшандай аёлнинг бир бўлаги. Оғир карвон билан йўлга чиққан. Қорақалпоғистон Республи-

касининг Тўртқўл шаҳрида туғилган Дилфуза Жуманиёзовани билишлик дарди Тошкентга олиб келди. Тўғрироғи Тошкент давлат университетининг филология факультетига. Талабалик йилларидаги изланишлар Дилфузани кўплар етолмаган тасаввуф адабиёти ва фалсафасига олиб келди. Хали дунёнинг пасту баландлиги нелигини англаб етмаган 23 ёшли қизнинг тасаввуфна қарашлари устозлар томонидан юқори баҳоланиб, унинг “Увайсий ижодида тасаввуфий тимсоллар” мавзuidaги диплом иши аспирантурага тавсия қилинди.

Маълумки, тасаввуф илми барча билимларнинг гавҳари



ОЙДИН ЙЎЛЛИ ҚИЗ

ҳисобланган. Гавҳарга орзумандлик бор-у, етмоқлик душвор. Бу илмнинг пирлари авлодидан бўлган Дилфуза неки захматлар, қийинчиликлар бўлса чидади, мурғаккина қалбида шу илмга нисбатан куч топа олди. Тасаввуф оламини билиш, одам таниш-билимини танлай билди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси-

Йил якунида бутун жаҳон, китъалар ва мамлакатлар ўзининг энг кучли спортчиларини аниқлаб, эълон қилгани каби республикамизда ҳам юрт доврўғини дунёга дoston қилаётган ана шундай азамат спортчиларимиз муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан йилнинг энг кучли спортчилари деб эътироф этилиб, мукофотланган полвонлар орасида кураш бўйича жаҳон чемпиони Ақобир ҚУРБОНОВ ҳам бор.

КУРАШИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

— Полвонлигиниз билан жаҳонда, Осиёда неча марта лаб чемпионлик наҳидасини суриб келаётирсиз. Айтинчи, ана шу эришган галабангиздан қайси бирини ўзингиз учун энг муваффақиятли ҳисоблайсиз?

— Тўғри, ҳозиргача самбо бўйича бир неча бор Жаҳон ва Осиё чемпиони бўлганман. Лекин ўтган йилнинг май ойида кураш бўйича Ватанимизда илк марта утказилган Жаҳон чемпионатида чемпионликни қўлга киритишим ҳаётимдаги энг кувончли галабам бўлди. Албатта, тарихда биринчи марта, миллий спорт тури бўйича она халқинг кўз ўнгида голибликни қўлга киритиш ҳар бир киши қалбига

нинг устаси сифатида айтинчи, улардан қайси бири Олимпиадага тезроқ киради, деб ўйлайсиз?

— Маълумки, самбо билан узоқ йиллар мобайнида кўплаб мамлакат спортчилари муттасил шуғулланиб келмоқда. Лекин ҳалигача ушбу спорт турининг Олимпиада ўйинлари сафидан ўрин олиши муаммоли масала бўлиб турибди. Кураш Ассоциациясининг ташкил топганига эса эндигина бир йил тўлди. Шу қисқа вақт мобайнида кураш бу-

қувончга тўлади. Шундай экан, тўла ишонч билан айтаманки, яқин йиллар ичида курашимизга Олимпиада эшиклари кенг кучок очиши мукаррар.

— Янги 2000 йилда олдингизга қандай мақсадлар қўйгансиз?

— Бу йилнинг Юртбошимиз томонидан “Соғлом авлод йили” деб эълон қилиниши айна мудоао бўлди. Зеро, Президентимиз ўзлари таъкидлаганларидек, буюк келажакни маънавий ва жисмоний соғлом

тун дунёни забт этмоқда, десам муболага бўлмайди. Яқиндагина Беларуссиянинг Минск шаҳрида ўтказилган Европа чемпионати, Россиянинг Брянск шаҳрида хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган халқаро турнир ҳамда Осиё китъасининг ва дунёнинг сара полвонлари иштирок этган Термиздаги мусобақалар юқоридаги фикримни исботлаш учун кифоя, деб ўйлайман. Энг муҳими эса, Кураш Ассоциациясининг фахрий президенти, миллий кураш фидойиси Юртбошимизнинг шахсан ўзлари эканлигидир. Ҳеч қайси давлат раҳбари ўз халқининг миллий спортига Ислон Каримовдек жонкуярлик билан раҳнамолик қилаётганини кўрмадим. Бундан ташқари, самбочими, дзюдочими — ҳар қандай полвоннинг курашимиз усулларида бемалол беллаша олиши ана шу спорт турининг жадал оммавийлашувида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, кураш усулларининг осонлиги ҳамда ҳалолликка асослангани эркаклар қатори хотин-қизлар ўртасида ҳам унга бўлган қизиқишнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Замбия давлати вакиласи Матильда Муабе хоним интернет орқали ўзбек курашига ихлол қўйиб, бутун Африка китъаси бўйича полвон аёллар тайёрлаётганини Кураш Ассоциациясига маълум қилди. Бу ҳол эса, курашнинг Олимпиада ўйинлари сирасига киритилишида бош омиллардан бири ҳисобланади. Қолаверса, АКШ, Хитой, Англия, Канада, Япония каби 20 дан ортиқ мамлакатнинг спорт мутахассислари номидан курашимизнинг сир синоатларини ўрганиш илинжида Ўзбекистон Кураш Миллий Федерациясига илтимосномалар келаётганини эшитганимда беихтиёр кўнглим

авлодгина барпо этиши мумкин. Шу маънода, янги йил биз — спорт мураббийларига орзумиздаги соғлом авлодни тарбиялашда катта масъулият юклайди. Айна чоғда боғчаларда ва мактабларда кураш тўғраракларининг ташкил этилиши ҳамда жисмоний тарбия дарсларида кураш машғулоти ўтказилаётгани ёшларимиз қалбида ҳам юртимиз байроғини жаҳон майдонларида мардона кўтариш иштиёқини уйғотиши шубҳасиздир.

Ўзимга келсак, ўсиб келаётган навқирон авлодга кураш сирларни ўргатиб, уларнинг кураги ерга тегмайдиган паҳлавонлар бўлиб етишишида кучгайратимни аямайман. 9 январь — Президентликка сайлов кунига бугунги осойишта ва бахтли кунларимиз сабабчиси, курашимизнинг жаҳон майдонига чиқишида бевосита бошқош бўлган Ислон Каримов номзодида мамлакатимиз барча гурурли полвонлари қаторида овоз бераман.

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ: Халқаро спорт устаси А. Қурбонов 1975 йилда Бухоро вилоятида туғилган. У Жаҳон ва Европа чемпиони, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий” Собир Қурбоновнинг тўнғич ўғли. А. Қурбонов отаси изидан бориб, самбо бўйича 6 карра Жаҳон ва 4 карра Осиё чемпионлигига эришди. Кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпионатининг 72 килограмм вазндаги чемпиони, 1998 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, 1999 йили “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонига сазовор бўлди. Айна пайтда у ИИБ қошидаги Академиянинг Жисмоний тарбия кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Ўқтам ХОЛИҚОВ,
“Туркистон-пресс”

бемисл гурур бағишлаши тайин. Худди ўша куни сездимки, самбо бўйича эришган галабаларим курашдан қўлга киритган ютуғимнинг бир улуши экан, холос.

— Айна пайтда самбо ҳам, кураш ҳам Олимпиада ўйинлари сафидан жой олишга интилоқда. Бу икки спорт тури-

нинг аспирантура бўлимига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Илмий тадқиқот мавзуси янада мукамалроқ бўлди: “Бобур ижодида тасаввуфий гоғлар”.

Биз билган шоҳ-шоир Бобурнинг тасаввуфга муносабатини аниқлаш учун унинг XV аср Хожагон — нақшбандийлик тарикатининг нуфузли вакили Хожа Аҳрор Валийга бўлган эътиқодини ўрганиш зарур эди. Бобур Хожа Аҳрорнинг “Волидия” рисо-

бокалонимизнинг йиллаб қорага чапланиб, ёлғонга аралаштирилган ижодини асл ҳолича халққа танитмоқ истагиди.

Дилфуза Камол учун нафақат кечаги кун, бугунги кундаги ўзгаришлар ҳам муҳим. Унинг санъат аҳлига бағишланган қатор мақоалари Республика матбуотида эълон қилинган.

— Дилфуза тасаввуф илми билан шуғулланаётган бўлишига қарамаздан, санъат соҳасида тасвирий санъатни ҳам чуқур


ларга бой фикрларни ифода этган.

Дилфуза Камол таҳлиллари санъатни теран идрок этувчи журналист эканлигини кўрсатади.

“Дарддан фориг бўлиш учун инсон аввало руҳида бунга ишонч ҳосил қилиши ва унга дармон бўлувчи восита излаши лозим. Шу ўринда ғалати бир жумбоққа дуч келамиз. Инсонлар доимо азиз авлиёлар пойига бош уради, кимдир Аллоҳдан дардига малҳам сўрайди, яна кимдир фарзандлари бахту-тахтини тилайди. Менинг назаримда “Аллоҳ мени ҳам қўлласин”, деган умид ишончга айланади. Бу ишонч ўз навбатида ихлосни юзага келтиради”.

Биз шу ерда Дилфузахоннинг фикрларига мана бундай кўшимча киритамиз. Ўзбекистоннинг иқтидорли қизларини доимо Яратган паноҳида асра-

Лайло КАРИМОВА



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 5 январь № 1 (58)

Бўёндан хотиржам бўл, ҳатмасига ўзим жавоб берман. Сен фақат... ўзингни кўлга ол. Аялга сираям билдира

ҚИШЛОҚДА БИР ЁР-У, ШАҲАРДА БИР ЁР...

Мақтабни битиришимга 6 ой қолганда синфдошлар орасида Олимжон Саёҳатни севади, деган миш-мишлар тарқаб қолди. Буни шунчаки болаларнинг пешлаши деб тушунардим. Талабалани орзу қилиб зўр бериб Бухоро Озиқовкат ва энгил саноят технологияси институтига кириш учун тиним билмай тайёрланардим. Насиб этган экан талаба бўлдим. Мени шу кувонч билан биринчи бўлиб Саёҳат табриклади. У бу табрикни қандай билдирдидикин? Шунчалар самимийлик билан айтди-ки, мактабдаги миш-мишлар ҳақдек туюлди менга. Саёҳатга эса талаба бўлиш насиб этмади. Шундай қилиб кўп ўқимасимиздан "оқ олтин" даври бошланди. Бу қиз-йигитларнинг яқиндан бир-бирларини билишига катта имконият эди. Қишлоқда ўсганлар учун пахта териш мушкул иш эмас. Шаҳарликларга эса уқубат. Мухайё шаҳарлик қиз экан. Унга ёрдамлашиш кафиллигини мен олдим. Тез орада бир-биримизга

ўрганиб қолдик. Мухайё қадди-қомати келишган, ҳамма болалар билан тез қўшилиб кетади, кувноқкина қиз. Мен уни жудаям ёқтираман. Бир ўртоғим "Мухайё қишлоққа тўғри келмайди", деди. Ҳақиқатдан ҳам Мухайё қишлоқда яшолмайди, ўта замонавий қиз. Дам олиш кунлари қишлоққа борганимдан албатта Саёҳатни севади. У на қишлоқ қизини кўришни, "ўқишларингиз яхшими" деган сўзини эшитишни истаётман. Тушларимда гоҳ Мухайёни, гоҳ Саёҳатни кўриб чиқаман.

Мухайё қишлоқнинг икир-чиқирларини, шароитини кўрмаган, аммо маълумотли, гўзал ва самимий. Саёҳат "мен учун ҳам ўзингиз ўқийсиз, отамлар энди ўқишга қўймас эканлар" деб мени орзу-умидлар билан кутаяпти.

Севимли рўзномам "Чимилдик!" Мендан маслаҳатингни аяма. Мухайёни танлайми ёки Саёҳатни?

**ОЛИМЖОН,
бухоролик талаба**



Мен билан батаслаҳат иш тути. Айтишга зўрра етиб

Кеча унинг никоҳ тўйи бўлди. Курсдошлар билан бирга бордим. С. никоҳ кўйлақда жуда гўзал эди. Атрофдагиларнинг кувёни тилларидан бол томиб мақташларини ортиқ эшитолмай, бетоблигимни баҳона қилиб, ётоқхонага жўнадим. Столим тортмасидан С.нинг сўратини кўлга олдим у кўз ўнгимда биринчи курсдаги воқеалар гавдаланди.

Сентябрь ойининг ўртала-

МАҒРУРМАН СЕВТАНИМ СЕНДАН ЯШИРДИМ

ри. Хали ҳеч ким билан деярли танишмаганман. Бир қиз олдимга келди-да, тарих дарси қайси аудиторияда бўлишини сўради. Хаёлларим бўлинганидан эътиборсиз жавоб қилдимда, ичкарига кирдим. Қизнинг орқамдан тикилиб қолганини сездим. Кейинчалик унинг исмини, курсдошлигимни билдим. С. негадир арзиммаган нарсаларни баҳона қилиб, ёнимга келар, узок гаплашиб ўтиришимизни хоҳларди. Қишга яқин оёғим оғриб, касалхонага

тушдим. Ҳар куни курсдошларим мени кўргани келишарди. С. ҳам гоҳида улар билан, гоҳида бир ўзи тез-тез келиб турди. У келганда тезроқ кетишини хоҳлаб, ўзимни чарчаганга солардим. Бир куни С. дугоналари билан келиб оёқ томонимга ўтирдида, йиглаб юборди. Ме-

нинг эса кўдгим келди. Қизлар маъноли кўз уриштириб чиқиб кетишди. Ҳар бир гапига одатдагидек кўпол жавоб берардим. Билмадим нима учун. Лекин узр сўрашга мағрурлигим йўл қўймасди.

Ўша кундан кейин С.нинг менга муносабати ўзгарди. Шунда мен уни бутун борлигим билан севишимни, фақат худбинлигим, манманлигим туфайли уни менсимай юрганлигини тушундим. Унинг дилини қаттиқ оғритган эканман. У меъни кечирмади.

Мен энди С.ни севаман. Унинг ҳолатига мана кунлар ўтиб тушуняпман. Фақат С. дарсга келмасин. Уни кўриб куйишни хоҳламайман.

УЛУҒБЕК




Шу кунгача бир-бирингни севсанг бўлди, энг муҳими шу деб ўйлардим. Я. Лекин тўйгача қариндошларимни, авлод-аждодимни, қисқаси элакдан ўтказишларини билмаганман. Козим акам билан аҳду-паймон қилгандик. Рости етимхонада ўсганлигимни унга

МУҲАББАТ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ

ҳеч айтма- гандим. Бир куни сабоқлар тугаши билан олдимга келиб, бугун уйимизга совчилар боришини айтиб қолди. Манзилимни сўради, турган жойимда қотиб қолдим. Тилим калимага келмади. Нима дейман. У ҳақиқатдан хабар топди. Барибир севаман сени дея олди холос. Лекин шундан кейин қорасини кўрсатмади. Балки ота-онаси насл-насабининг тайини йўқ қизга уйлантирмайман дейишгандир. Билмадим. Ёки унга ҳам тагли-зотли қизлар ёқар.

ЗУЛХУМОР



Агар бу туйгулар инсонни шу қадар девона қилишини билганимда эди... Яратгандан уни аввалроқ тилаб олмасмидим?! Ҳижрон, айрилиқ, висол бари-бари бу дунёнинг туйгулари эмас экан. Бўшимга тушиб билдим.

Тўғри, қизлар билан кўп гаплашганман, юрганман. Аммо оҳ-воҳ қилиб, ортиқча ваъдалар берган эмасдим. Мен қизларга шунчаки ўйинқароқлик билан муносабатда бўлганман. Лекин бу қарашларимни Ҳаёт билан илк учрашувимиз чилпарчин қилди.

Кўшни қишлоққа тушган опамнинг боласига бешик олиб борганимизда коса-товоқ кўтариб тўйхонада қарашиб юрган қиз кўзимга иссиқ кўринди. Йўқ уни аввал учратмаганман. Аммо Ҳаёт мен учун жуда танишдек эди. У оддий, бошқалардан гўзал ҳам эмас. Аммо қандайдир сеҳри бордек туюлди.

Орадан икки ой вақт ўтсада, Ҳаётнинг ҳовлида хизмат қилиб юриши кўз олдимдан кетмади.

Шунча қизларга гап бермаган йигит унга оғиз жуфтлаб бир сўз деёлмасам. Ўзимнинг бу ҳолатимдан ҳайратланардим.

Кўнглим висол истаб уларнинг қишлоғига йўл олдим. Бугун Ҳаётни кўрсан албатта, бир оғиз сўз айтман деган ниятда. Уни кўчада учратдим ҳам, аммо тилим гўё танглаймга ёпишгандек бўлди. "Йигит-мисан?!" дейман ўзимга-ўзим. Ақалли "қалайсиз" дейишга журъатим етмади.

Бошқа сафар эса опам гапириб қолди. Қўшни қиз Ҳаётни мактаб, совчилар эшигидан қатнайвериб, қўймаётгани, бу чақон қизни бегона қилмаслик кераклигини уқтирди. "Жон" дедим.

Ҳозир унашиқликмиз. Ҳаётнинг олдида ҳар сафар борсам кўзларидаги жодуни кўриб Яратган ато этган севгига тасаннолар айтаман. Агар у бўлмаганида бу каби гўзал туйгулар менда қачон уйғонар эди?

**Ошиқларнинг сардори
САЪДУЛЛО,
Қарши**

УЙҒОНИШ



СЕНИ СЕВИБ ҚОЛДИМ

Ўша кун. Ҳа... Тасодифан танишувдан бошланган суҳбат орага қандайдир илиқ туйғуларни олиб кирди. Аввалига у билан дўстлашдим. Дўстлигимиз жуда самимий эди. Бир-биримизни бир кун кўрмасак, туролмасдик. Айниқса, Шаҳнозага шу даражада боғланиб қолдимки, кўз ўнгимдан унинг суврати кетмайди. Бу улғу туйғу фақат мендами ёки Шаҳнозада ҳам борми деган савол мени жуда қийнайди. Унинг ўзи бунга дўстлик деб баҳо бермоқда. Агар дўстлик бўлса, нега бошқа қизлар билан суҳбатлашганда ўзимни эркин туталоламанку, Шаҳнозанинг овози

қулоғимга эшитилиши биланоқ вужудимни қандайдир ҳислар қамраб олади. Балки у мени сеvmас. Лекин мен уни севиб қолдим. Ҳаётимни усиз тасаввур қилолмайман.

Азиз "Чимилдик!" Менинг мактубимни ўша қизга етказ. Зора у мени тушунса, севса... Ахир айтишадик:

**Дарёнинг охири денгиздир албат,
Икки дўст туйғуси бўлар муҳаббат.**

**ҲАБИБУЛЛА,
ТошДУ талабаси**

қўйсанинг, йўқ дедим... Нисор қаллирга Соник бармоғидан бирилган кўзи олтин ўзгирни тикариб берди. Қам

МЕН
ВАУ

Бехзод МУХАММАДКАРИМОВ: ОТАБЕКНИ ОТАБЕКЛАР ТУШУНАДИ

— Бехзод ака, муҳаббатга таъриф бериш мумкинми?

— Муҳаббатга албатта ҳар ким ўзининг тасавури, руҳий кечинмаларидан келиб чиқиб турлича таъриф



беради. Менимча севги бу кутилмаганда келади бахт. Аллоҳнинг мўъжизаси.

— “Биринчи муҳаббат” ингизнинг сирлилиги нимада?

— Одамзод борки, шу “дард”га чалинади. Муҳаббат болаликдан бошланадиган руҳий жараён. Лекин бунга эришиш кўп қийинчиликларга ҳам олиб келади баъзида. Фақат ҳаммасига чидаш даркор.

— Ўзингиз эришганми сиз?

— Яратганга шукрки, муҳаббатим — Гўзалхон билан бахтиёрман.

— Муҳабба-

тингизни қандай топган сиз?

— Ўшанда театр ва рассомчилик институтининг III-курсда ўқирдим. Лекин ханузгача бирор қиз чин маънода юракдан урмаганди. Бир кун ўқишдан қайтаётсам, ўқув бинимиздан бир келишгангина қиз чиқиб келаяпти. Уни кўриб негадир юрагим “жиз” этиб кетди. Шу куни гаплаша олмадим. Суриштириб кўрсам, биринчи курс талабаси Гўзалхон эканлар. Шундан кейин турли “бахона”лар билан танишиб ҳам олдик. Кейинчалик билсам у ҳам мени ёқтириб қолган экан, ўшанда.

— Рашк қиласизми?

— Рашкка бегона бўлмаган эркак топилмаса керак. Ҳар бир одам ўз ёрини қизғанади. Лекин рашк чегарасидан чиқиб кетмасликка ҳаракат қиламан.

— Халқимиз сизнинг ижодингизни Амир Темур, Элчин, Отабек каби қаҳрамонларингиз орқали қадрлайди. Севиб ижро этган ролингиз?

— Менимча, ҳар бир санъ-

атор аввал ўзи ўйнайдиган ролини чуқур ҳис этиб, анчагина тайёргарлик ва машғулотдан сўнггина ижро этади. Ана шу давр ичида эса санъаторда ўз қаҳрамонига нисбатан муҳаббат уйғонади. Шундай экан ҳамма ролларимни севаман.

— “Ўтган кунлар” билан қачон танишгансиз?

— Унда жуда ёш эдим. Ўлмас Алихўжаев ва Гулчеҳра Жамиловаларнинг “ишқ”ини кўриб ҳавасим келган. Шу асарни ўқиганман.

— Ўша кезларда вақти келиб Отабек ролини ўйнаш хаёлингизга келганми?

— Асло. Лекин шу даражага етишга интилганман.

— “Отабек”ни неча ёшингизда ижро этдингиз?

— 33 ёшимда.

— Отабек бўлиш қандай экан?

— Буни Отабек бўлганлар билади.

— Қирқ ёшдан кейин туғиладиган севгига муносабатингиз?

— Одамлар

шу ҳақда гапирётган эканлар, бу бор нарса. Тирик жон яшайдими, туйғу ҳам яшайди, демак севги доим барҳаёт. У эса ёш танламайди.

— Хаётингизда кўп панд берган характерингизни айта оласизми?

— Қизиққан нарсамнинг тагига етиш ҳисси

к у ч л и .
Ҳ а қ и қ а т -
н и



чимиз Ҳамзабек 10 ёшда. Кумушхон 7 ёшда ва кенжа-тойимиз Темурбек 3 ёшда.

— Бехзод ака, дейлик кўчадан асабийлашиб келдингиз, уйда ўзингизни қандай тутасиз?

— Албатта жиддий ҳодиса юз берса хоҳ уйда, хоҳ кўчада бўлсин ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Ана шундай кезларда тушкин кайфиятда бўласан киши. Ва аксинча уйдан кайфиятим аъло даражада чиқсам шу куни ролни ҳам берилиб ижро этаман...

— Шу кеча-кундузда қандай асар устида ишляясиз?

— Театрда Одил Ёқубовнинг “Бир қошона сири” драмасида бош қаҳрамон — Сарвар ролини, “Учишга рухсат этилади” фильмида ҳам бош қаҳрамон ролини ижро этишга тайёргарлик кўраяпман

— Сухбатингиз учун раҳмат.

Н. ОТАМУРОДОВ
суҳбатлашди



Муҳаббат-ла ўтган кунлар асл ҳаётдир,

Муҳаббатсиз яшалган кун шунчаки кундир.

Ана шундай мисралар билан ошиқлар қалбига яна бир эзгу ниятларни солган қозоқ шоири Мухтор Шохоновнинг ҳам “асл кунлари” жуда кўп бўлган. У ҳам хижрон нелигини, муҳаббат изтиробини, азобларини бошдан ўтқизган. Фақат уни ҳар бало-ю, офат-

бош тортишди.

Мухтор бозорга қатнаб, одамлар билан мулоқот қилиб, муҳтож кишиларни излаб юриб, охир оқибат шеърят оламига кириб қолди. 16 ёшли трактор ёрдамчисининг бир саҳифа шеърлари газетада эълон қилинади. Ва ўша кундан Мухтор Шохонов номи билан мухлислар орттиради.

Машҳурлик пиллапоясига эндигина қадам қўяётган Мухторни Чимкент Педагогика институтида бўладиган шеърят кечасига таклиф этадилар. Ўша куни

ралар билан.

Ўша кечадан икки қалбда покиза кўтаринки муҳаббат бошланди.

Бир куни Мухтор Шохонов Кулёнда да бундай мисраларни ёзиб берди.

Кўзларингизда кўрдим бахтим юзин

Иккимизга аён бўлган бир сўзни.

Кўшиқларингиз ногоҳ бахтдай хуш татим,

муш булоқлар қайнаб турган адирларда тўрғайлар чуғурлашарди. Мухтор Шохонов Кулёнда яхши кўрадиган гул-чечакларни дасталаб қишлоқ четига қабристонга борди. Кўпдан бери ичига ютиб юрган армонлар ташқарига отилиб чиқди. Гўё бутун оламда тупроқ тагига яшириниб ётган гўзал малағу ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Севгилисига яқинроқ ётмоқ учун бағрини ерга берди. Заҳ тупроқ ҳам шу пайтда унинг ёнаётган юрагига

“СЕВГИ ЙЎҚ” ДЕСАЛАР ИШОНМА

лардан бир нарса — севгигина асраган.

Бировга яхшилик қилиш истаги оддийгина икки йигитнинг ҳаётини остин-устун қилади. Чимкент шаҳрининг кўчаларида ёрдамга муҳтож қарияларни етаклаган йигитлар пайдо бўлишди. Аммо кўчада кўпам бундай одамларни учратиш қийин. Энг осон йўли бозордан одам қидириш. Лекин беминнат қилинган хизмат уларнинг таниш-билишлари ўртасида турли миш-мишларга сабаб бўлди. Мухтор ва Ҳасан бундай яхшиликдан

унга бир қиз қалингина дафтар узатиб, дастхат ёзиб беришини илтимос қилади. Дафтар топ-тоза эди, муқоваси қаттиқ, ялтироқ қоғозга ўралган. Дафтарни очдию йигитнинг юраги титради. Газетадан қирқиб олинган ўзининг мой кепка кийиб тушган расми унга кулиб боқиб турарди.

Кутилмаган ҳолдан каловланиб қолган шоир юрагига илк ишқ оташини солган Кулёндага бир-бирига қовушмаган жумлалар билан биринчи дастхатини ёзиб берди. Севги ҳақида эмас, севгидан йироқ бўлмаган мис-

Учраштирди иккимизни қай тақдир?

Кўрққаним бор, ногоҳ бахтдан яширин

Раҳмсизлик, билмайсан, тақдирнинг ишин.

Вақт шамоли учиради изларни, Лек писанмас бизга жоним, бешафқат йиллар.

Лекин ҳар матонатдан кўра тақдир ўз ишини қилиб бўлди. Кулёнда башорат қилинганидек, шеърда битилганидек, фожеали ҳалок бўлади. Баҳорнинг гўзал тонглари эди. Ку-

ором бўлолмасди.

Ана шундай гўзал аёлни сева олган Мухтор Шохонов бор аламини талпингани шеърдан олди.


Орзудан сув ичар жасорат гули

Муҳаббат уйғотар юрак ҳапригин.

Азоби аламсиз муҳаббат ҳеч йўқ,

Уларсиз ишқивор ўчиб қолган чўғ.

“Севги йўқ” десалар ишонма ҳаргиз, Гул қачон ўсибди ҳашагу хорсиз.



"Кейинги ойларда кўкрагимда ёнғокдек қаттиқ нарса пайдо бўлди. Кўлимни совуқ сувга солсам ачишиб оғрийди. Утиб кетар, деб анча ўзимга тасалли бердим. Бўлмапти. Аксига олиб, назаримда без кун сайин катталашаяпти. Юрагим тўла ваҳима. Ишқилиб ёмон хасталикка чалинмадиммикин. Докторга кўринишга юрак йўқ..."

Лобар, Тошкент"

Жаҳон Соғлқини сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, кейинги йилларда сут безлари раки билан касалланиш анча кўпайиб борапти. Бунга сут безларининг рак олди касалликларини ўз вақтида аниқлашмаслик ва етарли даволанмаслик сабаб бўлмоқда. Ўсма олди касалликларининг келиб чиқишида аёллар жинсий аъзоларида рўй берган ўзгаришлар ва касалликлар, уларни ўз вақтида даволанмаслик асосий сабаб бўлапти. Бунинг натижасида сут безлари эпителийсиди касалликка чалинади. Кам туғиш, сут келишининг қисқа муддатли бўлиши, кўп мартали аборт қилдириш; яъни бола олдириш, аёллар жинсий аъзолари, қалқонсимон безлари, жигарнинг касалланиши ҳам шунга олиб келади. Мастопатия пайдо бўлишига рухий изтироблар ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Мастопатия билан кўпинча бола туғадиган ёшдаги аёллар касалланади. Юзага келган хавфли жараённи ва унга мойиллик қиладиган касалликларни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда абортлар, болани эмизтишни вақтидан илгарти тўхтатиб қўйиш ва мастопатия ўртасидаги алоқадорлик бор-йўқлигини кўриб чиқиш керак.

Маълумки, сут безлари тўқимасининг тузилиши ва унинг иши аёл кишининг ёшига, бўйида бўлишига, болага кўкракни бериб эмизтишига қараб ўзгаради. Бу ўзгаришлар ички секреция безлари, аввало тухумдонлар ишлаб чиқарадиган гормонларнинг бево-сита таъсирида рўй беради. Аёл кишининг бўйида

бўлганда гормонлар таъсирида безсимон тўқима шишади, сут безлари бўлаклари катталашади. Бола туғиладиган вақтга келиб, безсимон бўлаклар анча катталашиб, оғиз сути, кейинчалик эса сут ишлаб чиқара бошлайди. Одатда бола

чади ва турли-туман намоеён бўлади. Баъзан тўқималарнинг катталаниши хавфли бўлмайди, бошқа ҳолларда эса хавфли ўсмага айланиб кетиши мумкин. Фа -

ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ, АЁЛЛАР!

т у - 10-12 ойгача она кўкрагидан сут келиб туради. Ана шу муддат охирига келиб, сут безлари бўлаклари кичрая бошлайди, сут ишланиб чиқиши камайди.

Шу вақтда она боласини кўпинча эмизмай қўяди, натижада сут безлари асли ҳолига келади. Лекин шунинг унутмаслик керакки, аёл киши боласини олдиришга эки бола туғиб, уни кўрак сути билан боқмаса сут безларидаги ўзгаришлар шу хилда аста-секинлик билан аслига қайтмайди ва оқибат натижада сут безларида оғрийдиган қаттиқ тугунлар пайдо бўлади. Ана шулар мастопатиянинг асосий аломатлари ҳисобланади. Сут безларининг безсимон ва бирлаштирувчи тўқимаси зўр бериб ўсиб кетади.

Ҳалиги қаттиқ тугунлар вақт ўтиши билан катталашиб кетиши мумкин. Хусусан ҳар сафар бола олдиришдан кейин бу жараён оғирлашаверади.

Гинекологик касалликлар, асосан гормонлар мувозанатининг бузилишига олиб борадиган тухумдонлар шишининг бузилиши ҳам мастопатияга сабаб бўлади. Бу ўзгаришлар натижасида одатда ҳайз кўриш даври ўзгаради. Шунинг унутмаслик керакки, гинекологик касалликлари бор жувонларда сут безларида хасталик жараёни кўпроқ учрайди. Мастопатия узоқ ке-

кат онколог дарднинг қандайлигини аниқлай олади, холос. Шунинг учун ҳам кўкрагингизда салгина ўзгариш пайдо бўлиши биланоқ онкологга бориб кўрсатинг.

Сут безларининг шиши касаллик аломати бўлиши мумкин. Дастлаб бундай ўзгаришлар ҳайз кўришингиздан олдин сезилади, кейинчалик эса бунга алоқаси бўлмаган ҳолда ҳам пайдо бўлаверади.

Кўкрагингиз учидан рангсиз кўнғир, кулранг-кўкимтир ажралма чиқиши ҳам бу касалликнинг аломатидан дарак. Баъзи жувонлар мастопатия билан оғриб қолсалар менда рак борга ўхшайди, деб ваҳимага тушадилар. Шунинг унутмангки, мастопатиянинг ҳамма тури ҳам рак олди касаллиги бўлавермайди. Мастопатия билан оғриб қолган жувон ваҳима қилмасдан онкологга бориб учраши, керак бўлса албатта даволаниши керак. Диффуз мастопатия дори-дармонлар билан тузалиб кетади. Гинекологик касалликларни даво-

латишда асаб бузилмаса, кўнғил яйраб юрса мастопатия тезроқ тузалади. Касаллик бепарволик оқибатида ўтиб кетган бўлса, дори-дармонлар ва гормонлар билан даво қилинади.

Диффуз мастопатия бўлгани ҳолда қаттиқ тугунлар аниқ қўлга уннаса албатта операция қилиш керак бўлади.

Бир йилда икки марта гинекологга бориб, гинекологик касаллиги бор-йўқлигини текширтириши, мабодо бирор дард бўлса даволаниши керак. Булар хавфли ўсманинг олди-



олишининг энг яхши йўли. Бирок мастопатия билан оғримаган аёлларда ҳам хавфли

ўсмалар пайдо бўлиши мумкин.

Сут безларининг қаттиқлашиши, қонли ажралма чиқиши, шиш устидаги тери рангининг ўзгариши (лимон пўчоғига ўхшаб қолиши) эмчак учининг ичига кириб кетиши, сут безлари хавфли ўсмаси аломатини сезгудек бўлсангиз зудлик билан шифокорга учрашинг. Зинҳор ўз билгингизча ёки таниш-билишларнинг маслаҳатлари билан даволанманг. Мабодо аёл кишида чиндан ҳам рак касаллиги топилса, энди нур, кимёвий гормонлар воситасида даволаш керак бўлади. Жарроҳлик йўли билан даволаш масаласини шифокор ҳар томонлама текширишлар ўтказиб сўнг ҳал қилади.

Энди мастопатиядан даволанаётган жувонларга бир неча профилактик маслаҳатлар берамиз. Касаллик қайталамаслиги учун куёшли кунлари иссиқда кўп юрманг, саунага тушманг, физиотерапия қабул қилманг, иссиқ цехларда ишланг. Тандирда нон ёпиш ҳам зарар қилади. Биостимуляторларни, чунончи алоэ, фибо, шишасимон тана (стекловидное тело) қабул қилиш, мўйиё ичиш мумкин эмас. Лекин уй-рўзгор ишларини бемалол қилаверинг, овқат пишириш, уйларни супуриб-сидириш, кир ювиш билан шуғулланаверинг! Бирок оғир, 2,5 килограмдан ортиқ нарсаларни кўтарманг.

Эсингизда бўлсин! Рак хавфли касаллик, лекин у ҳамманинг ҳам ёстигини қуритмайди. Фақат вақтида дарднинг олди олинса бўлди. Ҳар бир инсон ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши керак. Агар одам касаллигини била туриб, бепарволик қилиб, вақтида даволанмаса, шифокор буюрганларига пухта амал қилмаса оқибати хайрли бўлмайди. Шифокорлар маслаҳатини қанда қилмай, астойдил даволансангиз, албатта шифо топасиз!


Абдувоҳид Хўжаев,
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

"Бир неча ойдан буён кўнғимга чироқ ёқсангиз ҳам ёришмайди. Кўкрагимда шиш пайдо бўлган. У гоҳ-гоҳида безовта қилади. Хаёлимга ҳар турли ваҳималар келади, тунни уйқусиз ўтказаман. Турмуш қурмаган қиз бўлсам, бировга дардимни очолмаяпман. Тиббиёт китобларида бунинг мастопатия дейишар экан. Унинг давоси бормикан."

Х., Самарқанд вилояти"

КҮК ЧОЙ ХАСТАЛИК РАҚИБИ

Яқинда япон олимлари кўк чой таркибидаги полифеноллар раки хасталигига қарши ишлатиладиган дорилар самарасини бир неча марта ошириши мумкинлигини исботлади. Масалан, ўпка ўсмасига барҳам бериш учун фойдаланиладиган сулиндакка кўк чойнинг куёқ аралашмаси — экстракцида раки тўқималари қараганда 2-3 марта тез яна бир шундай дори — нинг самараси эса икки баробар ошди.




Шунингдек, кўк чойнинг кўп ва мунтазам истеъ-мол қилиниши ошқозон фаолиятини яхшилаб, уни турли касалликлардан фориғ этаркан.

Юртимизга қиш келиб, шамоллаш ва грипп хасталиклари безовта қилмоқда. Касалликка бўлмоқда де-

ГРИППНИНГ ДАВОСИ

сангиз, саримсоқ пиёзнинг 2-3 бўлагини майдалаб тўғраб, унга бир пиёла қайноқ сув қуйиб, 2-3 соат дамлаб қўйинг. Тайёрланган дамламадан кунига 2 марта бурнингизга то-

мизинг. Икки кундан сўнг яна шу усулда дамлама тайёрлаб, яна муолажани шу усулда такрорланг.



ЧАҚАЛОҚЛАР МОЦАРТНИ ТИНТЛАЙДИ

Англиялик болалар руҳшунослиги бўйича мутахассис Мишель Клеменс сўнгги йилларда мусиқанинг чақалоқлар руҳига таъсирини ўрганди. Унинг тадқиқотларига кўра, гўдаклар дунёга келишдан олдинроқ маълум мусиқага ошно бўлиб туғилар экан. Уларнинг аксарияти Моцарт ва Вивальди асарларини, айниқса уларнинг флейта учун ёзган куйларини ёқтириб кўз очади.

Доктор Клеменс фикрича, агарда чақалоқлар севимли куйларини тинглаб ўсадиган бўлса, улар кам йигди ва бошқа тенг-тан тезроқ ўсади.

Ўзбекнинг болаларини қайси куйларга билан дунёга келаркин?





Эшик ичкарасидан кулфланган, деразага панжара тутилган, ойнани синдиришнинг фойдаси бўлмади. У йиғлади, ёлворди, кимларнидир ёрдамга чақирди, аммо унинг товушини ҳеч ким эшитмади, аниқроғи, эшитгиси келмади, ўзини қулоғи оғирликка солди. Шу тариқа ҳали ўн етти ёшга ҳам тўлмаган Махлиёнинг номуси поймол этилди. Бутун келажаги топталиб, орзу умидлари саробга айланди. То умрининг охиригача шу кунни қарғаб ўтадиган бўлди.

Уша кун Махлиё Хонқа туманига келин бўлиб тушган опасининг касал эканлигини эшитиб, уни кўргани боради. Аммо опаси уйда йўқ экан. У опасининг

қайнсингиллари билан чой ичиб ўтирган вақтида хонага опасининг қайниси 1978 йилда туғилган Раҳимберди Абдуллаев киради. У хонага киргач, сингиллари уларни холи қолдиришади. Раҳимберди хонани ичидан кулфлаб, калитини печкани устига улоқтиради. Хайрон қараб турган қизга "Сенга совчи юборсам, нега рози бўлмадинг" дея уни юзига уради ва унга кийимини ечишни, агарда ечмаса йиртиб ташлашини айтади. У

Дарлиёни ечинишини кутиб ўтирмасдан, унинг куйлагини силтаб тортиб, тугмаларини узиб ечинтиради. кейин эса...

Тушдан то шомгача куппакундуз пайти у ўзининг жирканч ниятини амалга оширади. Махлиёни қайта-қайта кичқиришларига, ялиниб-ёлворишларига на Раҳимбердининг раҳми келади, на уйдагилари эътибор беради. Шу тариқа унинг қизлик иффати топталиб, балоғат ёшидан ўтмаган болалигига чек қўйилди.

"Мен шундай йўл тутиб Махлиёни ота-онаси менга турмушга чиқишига рози бўлади, деган мақсадда шу ишни қилдим. Мен содир қилган жиноятимни тушуниб етдим, хато қилган эканман, энди пушаймонман", - деди Р.Абдуллаев судда.

Раҳимберди Абдуллаев ўзининг қора қилмиши учун 10 йил қамоқ жазосига маҳкум қилинди.

Бу жирканч иш, албатта тасодифан содир бўлмаган. Р.Абдуллаев оиласидагилари бундан хабардор эди.

Агар оилада тарбия бўлганида бокира бир қизнинг номуси поймол қилинмаган, чимилдикни орзу қилган ўғли эса турмага тушиб 10 йилга озодликдан маҳрум бўлмаган, Махлиёнинг опаси, яъни катта келинини турмуши ҳам дарз кетмаган бўларди. Чунки у ҳам сингисини бахтига чанг солган оилада ортиқ яшаш душворлигини тушуниб етгач бу уйдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Шухрат Абдуллаев, Хонқа тумани прокуратураси терговчиси

ХУНАРСИЗ ҚИЗ

Зебохон мактабни тамомлагач, ўқишни давом эттиришни истамасди. Ота-онаси ҳам бирор хунарнинг бошини тутгин, деб насиҳат қилмади.

— Рўзгор тутишни эпласанг бўлди, куёв топармон-тутармон бўлса, бахтинг шу, - деди онаси.

Кўп ўтмай уни узатишди. Куёв онаси орзу қилгандай эди. Турмушлари ширин кеча бошлади. Гоҳида Зебохон дугоналарига ҳаваси келиб, ишлаш ҳақида гапирса, Жаҳонгир уни койиб берарди.

— Шу рўзгор сеники, ишлайман, ўқийман деб бошимни қотирмай кўя қол. Хонадонимизни саранжом-сарийшта қилиб ўтирсанг, топиш-тутишни ўзим қойилмақом қилиб ташлайман, - дерди у ҳазил аралаш.

Зебохон бахтли эди. Икки фарзанднинг онаси бўлди. Рўзгори бут, кўнгли тўқ.

Шундай кунларнинг бирида Жаҳонгирни машина уриб кетди. Врачлар қанча ҳаракат қил-

масин унинг ҳаётини сақлаб қола олмади. Қайғу келса кўш келар деганларидек, ўғлининг бевақт ўлими қайнотасини тўшакка михлаб қўйди. Кўп ўтмай Зебохон қайнотасидан ҳам жудо бўлди. Энди икки ёш гўдағи билан қолган жувоннинг қайноғасидан бошқа суюнчиги қолмади. У келин ва жиянларига беминнат ёрдам берсада, баъзида қўли калталиқ қиларди. У ҳам жўжабирдек жон, болалари улғайиб боряпти, уларни ўқитиш керак. Зебохоннинг эса на касби-кори бор, на хунари... Аммо нима бўлсада бировнинг миннатли ошига шерик бўлишга мажбур.

Бугун Зебохонга ўхшаган тақдирларни кам бўлсада учратиш мумкин. Балоғат ёшидаги қизлар учун бу балки сабоқ бўлар.

Наргиза ОТАХОНОВА, лицей талабаси



ЯШАШГА ИШТИЁҚИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Икки аср оралигидаги даврда соғлигим темирдек мустаҳкам деб юрган айрим кишилар ҳам баъзан хасталик чангалига тушяпти. Эртанги кунга умид қилган, руҳан бардам инсонгина ўз вужудини ўзи бошқара олади. Сиз соғлигингиз ҳақида беҳуда ташвишга тушмай-сизми, эртанги кунингиздан умид-вормисиз? Ушбу тест саволларингизга жавоб беради.

- СОҒЛИК:**
 - соғлигингиз мунтазам ўй-хаёлингизни банд этадими;
 - вақти-вақти билангина соғлигингиздан ташвишланасизми;
 - соғлигим жойида деб ўйла-сизми?
- ИШТАҲА:**
 - иштиҳангиз йўқлигидан азият чекасизми;
 - овқатни танлаб ейсизми;
 - сиз ҳар қандай таомни ёқтириб оёверасиз, овқатга сажда қилмайсиз.
- КУЧ-ҚУВВАТ:**

- ҳар бир ишни кучингиз етганича бажарасиз, гоҳида меъеридан ортиқ ҳаракат қиласиз;
 - бирор ишни бажаришга сизда куч ҳам, иштиёқ ҳам етмайди;
 - бир меъёрда ишлайсиз, эртанги кунингиздан хотиржам-сиз.
- 4. ҲАЁТГА МУҲАББАТ:**
- атрофингиздаги одамларга, мухитга, бошқаларнинг елиб-югуришига киноя билан қарайсиз;
 - умуман ҳаётингиздан мамнунсиз, фақат баъзан нолиб қоласиз;
 - яна юз йил худди ҳозиргидай яшашга тайёрсиз.
- 5. КАЙФИЯТ:**
- ҳар бир нарсадан жаҳлингиз чиқади, асабингиз қақшайди;
 - турмуш ташвишлари баъзан жо-

- нингизга тегиб кетади;
 - кайфиятингизни бузиш осон эмас.
- 6. ТАШҚИ КЎРИНИШ:**
- сиз ташқи кўринишингиздан умуман қониқмайсиз;
 - ташқи кўринишингиз ўзингиз хоҳлагандай эмаслигидан баъзан хафа бўласиз;
 - ёшингизга нисбатан ёш ва кўркам кўринасиз.
- 7. БИРОР ҚАРОРГА КЕЛИШИНГИЗ ОСОНИМИ?**
- ҳар доим мустақил қарорга келишдан қочасиз;
 - баъзан ўзингизга ишонмайсиз;
 - ўйламасдан қарор қабул қилаверасиз.



("Туркистон" газетаси 1999 йил, 15 декабрь)
Мен Мунираҳон қизимнинг дил сўзларини ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Истеъдод ҳар кимга ҳам берилавермайди. Ҳаёт — курашдан иборат. Истеъдодингиз учун қандай тўғаноқ бўлса ҳам курашиб, унга етишишга ҳаракат қилинг. Чунки ўзбек қизларини ҳам ҳозир жаҳон танияпти-ку! Нахотки, сиздаги талантни ота-онангиз тушунмасалар. Талант ҳаммага ҳам берилавермайди-ку!
Мунираҳоннинг ота-она-

лари, сизлардан илтимос, қизингизнинг талантини бўғманг. Қизингиздан ажойиб уй бекаси, қобилиятли актриса етишиб чиқади. Мен буни унинг ёзган сатрларидан илғадим. Қиз бола қайси касб

Ҳаётда кўп нарсани кўрган аёлман.
Мунираҳон қизим, ота-онангизни хафа қилманг, уларнинг розилиги билан иш қилинг. Бир пайтлар Тўти Юсупова ҳақида мақола ўқиган эдим. Опаҳон орзуси учун қанча курашган, пайти келиб ота-онаси уни тушунишган. Мунираҳоннинг ота-онаси тўғри тушунинг, қизин-

гизни севган касбига қўйинг, хато қилмайсиз.
Вақтлар келадики, ана шу жумлаларни эслаб юрасиз. Қизингизни кўриб қувонасиз. У сизнинг ишончингизни албатта оқлайди. Қанча-

дан-қанча покиза, баркамол актрисаларимиз бор. Ўшалар изидан сизнинг қизингиз ҳам ўрин олсин. Албатта розилик беринг.
Хадичахон МҶМИНОВА, Қарши шаҳри

АКТЁРЛИК ЭМАС АЙБ

эгаси бўлмасин ўзига боғлиқ. Ор-номусли қиз ҳеч қачон сизнинг юзингизни ерга қаратмайди. Уйда ўтирган қизларни ҳам кўряпмиз.

"ЧИМИЛДИК" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ
ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ДАЙЛО, ЯШНАР, ШАХНОЗА
САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

УЗА ИСРОИЛ марказий статистика бюроси маълумотларига қараганда, 1999 йил 31 декабр куни мамлакат аҳолиси 6,2 миллион кишини ташкил қилган. Хужжатда кўрсатилишича, бундан 18,4 фоизи яхудий миллатига мансуб бўлмаган кишилар экан.

ВЕНГРИЯда ўнлаб полиция автомобиллари назорати остида венгер қиролларининг тожи миллий музей-



дан ҳукумат парламенти биносига келтирилди. Бу маросим Венгрия давлатчилигининг минг йиллиги муносабати билан ўтказиладиган қатор тадбирларни бошлаб берди.

АКШнинг Калифорния штатидаги Пасадина шаҳрида "Одиссея-2000" номли велосаёҳат старт олди. Саёҳат ташкилотчилари режасига кўра, ушбу тадбирда қатнашаётган 252 велосипедчи XX аср якуни ва янги мингйиллик бошида Лос-Анжелесга келади. Улар бир йил давомида олтишта мамлакат кўчаларидан ўтади.

ТАИЛАНД пойтахти Бангкокда турли миллатга мансуб тўрт минг нафар келин-куёв 2000 йил кийиб келиши муносабати билан оммавий тарзда никоҳдан ўтди. Бу ажойиб воқеада Европа, Америка ва Осиёдан келган келин-куёвлар иштирок этди.

Ўтган йили Японияда сўнги тўрт йил давомида туғилишининг энг кам кўрсаткичи қайд этилди. Маълумотларга қараганда, 1999 йили япон оролларида бир миллион юз етмиш беш минг бола туғилган. 1998 йили туғилган болаларнинг сони бу кўрсаткичга нисбатан йигирма саккиз мингтага кўп.

РОССИЯнинг Новосибирск вилоятида сўнги йил кун ичида юз берган ёнғинлар оқибатида йигирма бир киши, шу жумладан, тўрт нафар ёш бола ҳаётдан кўз юмди. Байрам кунлари содир бўлган ёнғинларнинг аксарияти маст ҳолда тамаки чекишдан келиб чиққан.

ЖАКАРТА. Индонезия ҳукумати Молукка оролида тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлашга хорижликлар аралашши керак, деган фикрни рад этди. Оролда анча вақтдан буён насронийлар ва мусулмонлар ўртасида

ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ИЗИ ЙЎҚОЛДИ

Ўтган йилнинг сўнги ҳафтасида бутун дунё, айниқса, Ҳиндистон халқининг диққат-эътибори Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида бўлди. 24 декабр куни "Индиан эйрлайнз" компаниясига қарашли А-310 русумли самолёт террорчилар босқинига учраб, узоқ вақт кўним топа олмай, ниҳоят Қандаҳорга қўнган эди.

Босқинчилар аввалига Ҳиндистон ҳукуматидан ушбу мамлакат қamoқхоналарида сақланаётган сафдошларини озодликка чиқаришни талаб қилди. Деҳлида бу талаб кескин рад этилди. Террорчилар талабини бажариш Кашмирда кўпуровчиликлар содир этган жиноятчиларни жазодан сақлаб қолиш билан баробар эди. Лекин Деҳлининг кескин жавоби би-

нинг кейинги хатти-ҳаракати ҳаммани таажубга соляпти. Улар ярим йўлда "Толибон" вакилини тушириб юборгач, кўздан ғойиб бўлди. Келишувга кўра, толиблар ўн соат мобайнида уларни таъқиб этмаслиги лозим эди. Террорчилар бундан унумли фойдаланди. Аммо, энди уларнинг қаёққа ғойиб бўлгани муаммога айланди.

1 январь куниде Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх террорчилар Покистонга ўтиб кетгани ҳақида баёнот берди ва ўз мамлақати уларни қайтариш борасида барча чоратадбирларни ишга солажагини билдирди. Покистон томони буни қатъий рад этса-да, келишув хабарлар Ҳиндистон томонининг таъ-



лан Қандаҳордаги террорчиларнинг шашти сусайиб қолмади. Улар эртаси кун янги талабларни илгари сурди. У Кашмирдаги айирмачилик ҳаракати маънавий раҳнамосининг қабрини кўчириш ва 200 миллион АКШ доллари тўлашдан иборат эди. Ҳиндистон ҳукумати вазият нечоғли оғир эканини шунда англаб етди чоғи, расмий вакиллар Қандаҳорга келди ва бевосита музокаралар бошланди.

Сўнг террорчилар яна қарорини ўзгартирди. Энди улар 200 миллион доллар олиш талабидан воз кечди. Марҳум раҳбарнинг қабрини кўчириш ҳам кўпчилик уламолар томонидан ислом динига ёт деб қарши олингани боис қолдирилди. Талаб яна дастлабки вақтдагидек қолди.

Бу орада самолётдаги шароит оғирлашиб борди, экипаж аъзолари ва йўловчилардан (улар жами 154 киши эди) айримларининг аҳоли ёмонлашди. Ишга шифокорлар жалб қилинди. Улар илк бор самолётга кириб чиққанидаёқ вазият анча мураккаблигини айтди. Гап шундаки, ҳаво тозалаш тизими ишдан чиққан, самолёт ичи дим эди. Кечалари аксинча, самолёт ичи совиб кетаётганди. Музокараларда эса ҳамон силжиш бўлмади. Бунинг устига, "Толибон" раҳбарлари ортиқ кутиш нияти йўқлигига шайма қила бошлади. Самолётни махсус хизмат ходимлари ўраб олди. Шу атрофга зенит ракета қурилмаси ўрнатилган машина келтирилди. Толиблар самолётни ишғол қилишдан тоймаслигини намойиш қилди.

Ниҳоят 31 декабр куни Ҳиндистон ҳукумати вакиллари уч нафар маъбусни озодликка чиқариш эвазига самолётда гаровда ушлаб турилганларни қутқаришга эришди. Беш нафар террорчи Ҳиндистондан келган уч сафдоши билан "тез ёрдам" машинасига ўтирди ва Покистон чегараси томонга йўналди. Келишувга биноан, толиблар уларни таъқиб этмади. Террорчилар ҳар эҳтимолга қарши улардан бирини таров сифатида ўзи билан олиб ҳам кетди.

Шу билан самолёт экипажи аъзолари ва йўловчилар озод этилди. Лекин, террорчилар

кидлари ҳақиқатга яқин эканини кўрсатди. Масалан, Ҳиндистон озод этган айирмачилар етакчиси Азҳар Масъуднинг отаси тез орада фарзанди билан кўришажагини айтди, Ваҳоланки, у Покистоннинг Панжоб вилоятидаги Бҳавалпур шаҳрида яшайди. Ўз-ўзидан ота ўлигининг уйга келишидан бохабар, демак террорчилар Покистонда, деган хулосага келиш мумкин.

Покистондаги расмий ҳукуматнинг нуқтаи назари эса тамоман ўзгача. Исломобод расмийлари террорчиларга бошпана бермаслигини, улар мамлакатга киргудек бўлса, ҳибсга олинишини билдирди. Покистон ички ишлар вазири Моинуддин Ҳайдар қатъий қилиб, террорчилар Афғонистон-Покистон чегарасини кесиб ўтгани йўқ, деди. Унинг айтишича, Покистон чегаралари мустаҳкам қўриқланмоқда, давлат террорнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди ва кўпуровчилар мамлакатга киргудек бўлса, зудлик билан ҳибсга олинади.

Шундай қилиб, "Индиан эйрлайнз" компаниясига қарашли самолёт билан боғлиқ можоро икки давлат ўртасида яна бир даҳанаки жанг бошланишига сабаб бўлди. Навбатдаги шубҳаю гумонлар асосига қурилган бу жанг террорчилар қаерда эканлиги аниқлангунга қадар давом этса, ажаб эмас. Жиноятчиларнинг изини топиш осон кечмаслиги ҳам аниқ. Чунки, "ҳаво қароқчилари"нинг кимлиги номаълум. Ҳиндистон томони уларнинг ҳаммаси покистонлик эканини таъкидлаётган бўлса-да, тегишли ташкилотлар террорчиларнинг қиёфасини аниқ билмайди. Бу воқеалар террорнинг чегара билмаслигини, унинг зулмкор дастини кесиш учун алоҳида бир давлат ёки минтақа эмас, бутун дунё аҳли биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини кўрсатди. Зеро, қаерда бўлмасин, миллати, ватани йўқ бу иллатнинг оқибатлари ҳаммаша аянч ва даҳшатга тўла бўлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

қонли тўқнашулар давом этаётир, юзлаб тинч одамлар қурбон бўлмоқда. Индонезия хавфсизлик кучлари кучайтирилаётгани ва оммавий равишда аҳолидан қурол-яроғни мусодара этишга ҳаракат қилаётганига қарамай, қиргинбаротга чек қўйиб бўлмапти.

Ҳукуматнинг айрим вакиллари фикрига қараганда, тўқнашаётган томонларни ҳудуддан ажратиш, ҳукумат воситачилигида икки томонлама музокара ўтказиш лозим.

ДЕХЛИ. Ҳиндистоннинг Сринагар шаҳрида Жамму ва Кашмир вилоятида ҳаракат қилаётган айирмачи гуруҳлар жангарилари томонидан қўйилган бомба портлаши натижасида ўн тўрт киши ҳалок бўлди, қирқдан ортиқ киши яраланди. Қурбонлар орасида тўрт нафар ҳарбий хизматчи ҳам бор.

Маълумотларга қараганда, портловчи ускуна шаҳардаги ҳарбий гарнизон яқинида жойлашган гавжум бозорга ўрнатилган.

ИСЛОМОБОД. Покистоннинг Панжоб вилоятида поезд ва йўловчи автобус тўқнашиб кетиши оқибатида ўн киши ҳаётдан кўз юмди ва тўққиз киши жиддий жароҳатланди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, автоулов ҳайдовчиси қалин туман туфайли поезд келаётганини кўрмаган ва темир йўлга чиқиб кетган. Катта тезликда ҳаракатланаётган поезд тўхташга улгурмаган ва автобусни парчалаб ташлаган. Шу ёрнинг ўзиде саккиз киши ҳалок бўлган, яна икки киши касалхонада вафот этди.

ТБИЛИСИ. Грузия парламенти раиси Зураб Жванианиннг фикрича, 2000 йилги президент сайлови мамлакат ҳаётидаги энг катта воқеа бўлади.

Грузияда жорий йилнинг 9 апрел куни президент сайлови ўтказилади. Ҳозирча бу лавозимга даввогарлик учун Грузиянинг айна пай-тдаги раҳ-



ба-ри Эдуард Шеварднадзе ва Аджария мухтор республикаси олий кенгаши раиси Аслан Абашидзе ўз номзодини қўйиш истагини билдирган.

Мамлакат конституциясига биноан, президент сайлови беш йилда бир маротаба ўтказилади. Аввалги сайлов 1995 йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган эди. Ушанда Эдуард Шеварднадзе 72 фоиз овоз билан ўз рақиби Жумбер Патишвилидан устун келганди.

БУЙИГА: 1. Корхона ва муассасалар ўртасидаги пул муомалаларини таъминлаш билан шуғулланувчи муассаса. 2. Фарбдаги давлат. 3. Ажал фаришаси. 4. Тошкентдаги йирик завод. 5. Хатсаводки одам. 6. Кийим ёки кўрпанинг сиртки қавати. 7. Игна баргли яшил бўта. 9. Бирликнинг қисмларидан ташкил топган сон. 13. Америка қитъасидаги давлат. 14. Бактерияларни тутиб олиш хусусиятига эга бўлган хужайра. 15. Тескари, зид ўларок. 16. Сўз, ибора ёки воқеа-ҳодисаларга шарҳ. 18. Археологик ёдгорлик. 20. Қимматбаҳо қоғозларнинг кесиб олинадиган қисми, талон. 22. Илм фалиятининг маълум соҳаси. 23. Дуккакли ўсимлик. 25. Ўзбекистонда чиқарилаётган автомобиль. 26. Сершоҳ, серсоя дарахт. 28. Бир жойдан иккига тармоқланган шох. 29. Овқат ҳазм қилиш органларининг қисми. 30. Қиздирилган ёғга ун солиб, пиширилайдиган суяқ овқат. 31. Қирра тишли дурдгорлик асбоби. 33. Осмон жисми ва кузатиш нуқтаси орқали ўтказиладиган вертикал текислик билан меридиан текислиги орасидаги бурчак. 34. Бирор хабар ва маълумотни рад этувчи баёнот.

ЭНИГА: 1. Фарбий Германиядаги шаҳар. 2. Россиядаги дарё. 4. Сайёра номи. 5. Ёввойи эркак ўрдак. 8. Қора танли. 9. Украинадаги шаҳар. 10. Темир йўлларда йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган махсус арава. 11. Кунчиқар давлат пойтахти. 12. Мевали дарахт. 14. АКШдаги штат. 17. Роҳиб аёл. 19. Қоғоз, мато ва бошқа нарсаларга қадаб қўйиладиган босма михча. 21. Доимо уйда ўтирадиган кимса. 22. Покистондаги шаҳар. 23. Спорт тури. 24. Бирор тил ёзувининг маълум тартибда жойлашган ҳарфлари мажмуи. 26. Вояга етмаган етим. 27. Уйга, ҳовлига кираверишдаги жой. 31. "Сураганнинг... йўқ". 32. Махсулотнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш ҳаражатларидан иборат нархи. 35. Маълум бир ташкилот, муассаса ўрнашган бино. 36. Нарсанинг ташқи, сиртки қисми. 37. Муз билан қопланган сирпанчик.

Тузувчи Саодат ОРИФЖОНОВА

БОШҚОЯШДРАЖА

1	2	3	4	5	6
9	10	11	12		7
		13			
17	18	14	15	19	20
		21	16		
		25		30	
22			27		28
		32	33	34	
23	28		35	31	29
24			37		

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 1 январь соҳида эълон қилинган бошқотирма жавоблари

БУЙИГА:

1. Байдарка. 2. Растрас. 3. "Хонда". 4. Уламо. 5. Мавлоно. 6. Алебастр. 8. Гидростаник. 9. Намозшомгул. 11. Эсминец. 15. Яра. 16. Қум. 19. Нотариус. 22. Маргарин. 23. Синовчи. 25. Алоқачи. 28. Рақам. 29. Озода.

ЭНИГА:

1. Ботгир. 2. Рух. 4. Уюм. 5. Масофа. 7. Инсонпарвар. 10. Радикал. 12. Индамас. 13. Исмо. 14. Она. 17. Арз. 18. Артикул. 20. Тос. 21. Асо. 24. Беш. 26. "Титаник". 27. Оламгир. 30. Қовоқхоначи. 31. Синонизм. 32. Ализарин.

Тошкентга Бехзод боғи

Пойтахтимизда буюк мусавир Камолиддин Бехзод меъморий боғи бунёд этила бошлади. Бу ерда улуг санъаткорнинг мухташам музейи ҳам қад ростлайди.

Камолиддин Бехзод нафақат қадимий Шарқ, балки бутун дунё халқлари санъати тарихида сезиларли из қолдирган, тараққиётга баракали ҳисса қўшган, Шарқ тасвирий санъати мактабини яратган буюк санъаткорлардан. Мана беш асрдирки, Бехзоднинг мўжизакор асарлари барча замонлар санъатшунослари ва муҳлисларини ўзига мафтун этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 23 декабрда "Буюк мусавир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилиб, унда Шарқ миниатюра мактабининг асосчиси Камолиддин Бехзоднинг бетакрор ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, ёш авлодни бой маданиятимиз тарихи билан фахрланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор қаратилган эди. Шунингдек, 2000 йилда мусавир таваллуд тўйини нишонлаш, юбилейга бағишлаб Тошкент шаҳрида Камолиддин Бехзод меъморий боғини бунёд этиш кўзда

тутилганди.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан бирга ана шу боғни барпо этиш лойиҳаси учун очиқ танлов ўтказди. Икки бошқичда ўтган бу танловда пойтахтдаги бир қанча йирик иншоотлар лойиҳаларининг муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган архитектор Ричард Близе голиб чиқди. Меъморий боғ ана шу лойиҳа асосида "Тошчетэлқурилиш" акционерлик жамиятининг қурилиш ташкилотлари томонидан бунёд этилмоқда.

**Б.Мансуров,
ЎЗА мухбири**

РИВАЛДО МУАММОЛАР ТЎРИДА

Футбол оламида Ривалдо номи билан танилган Витор Борба Феррейра 1999 йилда қўлга киритилган ютуқлар бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. У ўтган йили кўрсатган чиройли ва самарали ўйини учун "олтин тўпни" қўлга киритган эди. Яқинда Лотин Америкаси мамлакатлари журна-листлари уни Европанинг 1999 йилдаги энг яхши футболчиси, деб топди. Бундан ташқари, Ривалдо Франциянинг "Onze" журнали ва Англиянинг "World Soccer" ойли-

япти. Испания миллий биринчилигида "Райо Вальекано" билан бўлган учрашувда Луи ван Гаал "олтин тўп" соҳибини майдонга туширмади. Ҳозирча Ривалдонинг навбатдаги - "Реал Сосьедад" билан бўладиган учрашувда ишти-

СПОРТ ОЛАМИДА рок этиши ҳам ноаниқ. Икки ўртадаги келлимовчиликка Ривалдонинг чап қанотда тўп суриши

ни талаб қилаётгани сабаб бўлди. Ўз навбатда Луи ван Гаал футболчи барча эътирозларини ташласагина майдонга тушади, деб таъкидламоқда. "Барселона" клуби президенти Луис Нуньес Ривалдонинг талабига унчалик рўйхуш бермади. У "Барса" бразилиялик хужумкор ярим ҳимоячисиз ҳам яхши ўйин кўрсата олади, деди.

"Барселона" ўтмишига назар ташласак, машҳур футболчилар билан клуб раҳбарияти ўртасидаги келишмовчиликлар янгилик эмаслигига амин бўламиз. Аксар ҳолларда футбол юлдузлари ё бош мураббий ёки клуб президенти билан мавжуд муаммоларни ҳал қилолмасдан "Барса"ни тарк этган. Шундай юлдузлардан биринчиси дарвозабон Рикардо Самораюдир. У 1919-1922 йиллари "Барселона" шарафини ҳимоя қилган ва кейинчалик жамоани тарк этиб, "Эспаньол"га ўтиб кетган. Бундай юлдузлар сони анчани ташкил қилади. Улар сафига Йохан Круиф, Диего Марадона, Христо Стойков, Ромарио ва Роналдо каби хорижлик футболчиларни қўшиш мумкин. Шунингдек, "Барселона"ни Альберт Феррер, Гильермо Амор, Оскар Гарсиа ва Мигель Анхель Надалъ каби маҳаллий футболчилар ҳам тарк этган.

Шундай қилиб, Ривалдо ҳам жамоадан кетиши мумкин. Лекин бу унинг учун унчалик кўрқинчли эмас. Ҳозирча бразилиялик футболчини ўз сафида кўрмоқчи бўлган бой жамоалар талайгина.

ДАНИЯ ОЛИМПИДАЧИЛАРИ СЕНИ ОШАДИМИ?


Сиднейда бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларига Даниядан ҳозирча юз нафарча спортчи бориши кутилмоқда. Ҳали жамоа таркиби тўла шаклланмаган эсада, мавжуд вазият аввалги олимпиадага қараганда камроқ иштирокчи қатнашишини тақозо этмоқда. 1996 йилда Атлантада ўтказилган олимпиадада юз йигирма бир нафар спортчи қатнашган эди.

Данияда биринчи рақамли спорт тури футбол ҳисобланади. Лекин Австралияга футбол жамоаси йўлланма ололмаган. Шунингдек, олимпиадага баскетбол, бейсбол жамоалари ҳам бормайди. Мамлакатнинг гандболчи қизлари йўлланмани қўлга киритишга улгурган бўлса-да, эркалар жамоаси бу борада анча тер тўки-

шига тўғри келади. Улар Сиднейга йўлланма олиш учун яқин кунларда бўлиб ўтадиган қитъа биринчилигида муваффақиятли иштирок этиши лозим. Шунда олимпиадада иштирок этувчи данияликлар сони юз ўн тўққизтага етади.

Даниялик мутахассислар енгил атлетикачилар, велосипедчилар, сузувчилар, тэквондо усталарининг беллашувларда голиб чиқишига ишонч билдираётган бўлсада, айрим спорт турлари вакиллари кунгли тўқ эмас. Масалан, волейболчилар, беш-курашчилар, бокс ва дзюдо усталарининг имкониятлари унчалик юқори баҳоланмапти.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
(ЎЗА)**



"КУРАШ-ШОУ" — НАМАНГАНДА

Маълумки, ўзбек кураши халқаро майдонда эътироф этилишининг бир йиллигига атаб республикамизда "Кураш-шоу" ойлиги ўтказилмоқда. Ана шу дастур доирасида Наманган вилоятида ҳам миллий кураш мусобақалари уюштирилди.

Наманганлик курашсевар ёшу қари — у хоҳ профессионал курашчи бўлсин, хоҳ — ҳаваскор, ушбу сайлда бараварига иштирок этишмоқда. Мусобақалар маҳаллалар, қорхоналар ва олий ўқув юрти, мактабларда ташкиллаштирилаётгани унга кенг омманинг жалб қилинишига сабаб бўлди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича вилоят қўмитаси ходимларининг ҳисобкитобича, ойликда 50 мингдан зиёд спортчи иштирок этган.

Ушбу тadbирнинг якуний кунлари ҳам ўзгача бир файз билан ўтиши кўзланаяпти. Вилоятнинг барча туманларидан келган турли вазн тоифасидаги курашчилар ўзларининг маҳорати ва кучини намойиш этиш ниятидалар.

"Энг асосийси — иштирок этиш, галаба эса ўзи келади", дейишмоқда наманганлик полвонлар. Ҳақиқатдан ҳам ўзбекнинг номини яна бир карра дунёга танитган кураш — белида белбоғи бор мард йигитларнинг спорти.

ДАНГАСАЛАР НАМОЙИШИ

Бухарестдаги мактабларнинг ўқувчилари химия, физика ва биология фанлари чуқур ўргатиладиган юқори синфларда математикадан ҳам имтиҳон топшириш татбиқ этилганидан оммавий норозилик намойиши ўтказишди. Улар мамлакат пойтахти кўчаларига "Биз математикадан имтиҳон топширишга қаршимиз, биз адолат тарафдоримиз" мазмунидаги шиорларни кўтариб чиқишди.

Болалар мактаб дастурлари жуда тизим эканлиги, математикадан имтиҳон топширишга уларнинг вақти ҳам, хоҳишлари ҳам йўқлигини билдиришди. Аммо бу "бахтсиз" болалар оммавий намойиш ўтказишга вақт топшиди.

ИТАЛЯН ҚУМ...

Италиялик врач Гвидо Небуланини ажойиб машғулоти бор. У қумни... коллекция қилар экан. Унинг уйида 300 та шиша идишда Бразилия, Англия, Франция, Россиядан олиб келинган қум намуналари сақланади. Қумларни у жуғрофик тартиб-қоидага кўра: мамлакатлар, қитъалар, сув хавзаларига қараб алоҳида-алоҳида

сақлайди. Небулани асосан денгизлар, шунингдек, Амазонка, Миссисипи, Волга сингари йирик дарёлар соҳилидаги қумлардан намуналарни йиган.

Италиялик бу ғаройиб машғулоти соҳибига Куба ва ўз ватанидаги соҳиллардан олинган қум намуналари кўпроқ маъқул. Небулани коллекциясини жуда ардоқлайди, аммо бу "бойлиги"ни тушунадиган одамни топа олмаганидан баъзан хафа бўлади. Францияда ҳам бир хоним шундай иш билан шуғулланар экан, деб эшитган. Аммо ҳозирча у билан алоқа ўрнатгани йўқ.

ФРАНЦУЗ ЭСА ҚОШИҚ, ЙИҒАР ЭКАН

Франциялик Рене Мартин ўн икки йилдирки қошиқлар тўплади. У дунёнинг 121 мамлакатидан 18 минг дона қошиқ йиган. Шу тўғрисида Гинннинг рекордлар китобига ёзилди. Унинг коллекциясида олтин, қумуш, мис ва ёғочдан тайёрланган ҳар хил кўринишдаги қошиқлар турлари бор.

Аммо Рене ўзи сақлаётган қошиқларнинг бирортасини на ўзи ишлатган ва на меҳмонларга фойдаланиш учун бермаган.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Гулнора ХОЛБЕКОВА

Таҳририят:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69

Манзилимиз:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқланиши мумкин.